

## БУХОРО ВА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ КАДИМИЙ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

*Комилов Дилшодбек Турсунбой ўгли, Андижон давлат  
университети ўқитувчиси*

## THE PROCESS OF FORMATION OF ANCIENT MAHALLAS IN BUKHARA AND FERGHANA VALLEY

*Komilov Dilshodbek Tursunboy o'g'li, Teacher at Andijan State  
University*

## ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ ДРЕВНИХ МАХАЛЛЕЙ В БУХАРЕ И ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

*Комилов Дилшодбек Турсунбой оғли, преподаватель  
Андижанского государственного университета*



<https://orcid.org/0009-0006-8936-803X>

e-mail:

[komilovdilshodbek1990@gmail.com](mailto:komilovdilshodbek1990@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро ва Фарғона водийси вилоятларидаги маҳаллалар ва уларнинг бир неча минг йилликлар давомида шаклланиб бориши ва ривожланишининг тарихий босқичлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Бухоро, Фарғона, Марғилон, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, жамоа, ижтимоий, урф-одат, анъана.

**Abstract:** This article provides a scientific analysis of the historical stages of the formation and development of mahallas in the Bukhara region and the Fergana Valley over several millennia.

**Key words:** Bukhara, Ferghana, Margilan, quarter, mahalla, city, community, social, custom, tradition.

**Аннотация:** В данной статье научно проанализированы исторические этапы формирования и развития махаллей в Бухарской области и Ферганской долине на протяжении нескольких тысячелетий.

**Ключевые слова:** Бухара, Фергана, Маргилан, махалля, город, община, социальный, обычай, традиция.

**КИРИШ.** Бугунги кунда маҳалланинг тарихини сақлаб қолиш Бухоро ва Андижондаги тарихий жойларини илмий тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Илмий таҳлиллар нагужасига кўра маҳалладаги ҳаёт қадимдан ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳамда мажбуриятлар асосида оқсоқоллар зиммасида шаклланганлигидан далолат беради. Маҳалланинг тарихан ривожланиш босқичлари ҳар бир даврнинг ижтимоий-маданий ўзгариши билан бирга жамоаларнинг ўзаро алоқалари орқали

жамиятда фуқароларнинг манфаатлар тўқнашуви асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари асосида бир-бирини ҳимоя қилиш мақсадида турли хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар сифатида пайдо бўла бошлаган.

Ушбу мавзунини ёритиш жараёнида маҳалланинг илмий тадқиқ этишда умумэтироф этган бир нечта услублари, жумладан маҳалла тарихига оид маълумотларнинг таҳлили, қиёсий таҳлил этиш, шунингдек ёзишнинг даврийлиги кетма-кетлиги,

холислиги, реаллиги каби принципларидан фойдаланилди.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.** Тарих фанининг замонавий методлари – тизимли таҳлил, муаммовий-хронологик, қиёсий-тарихий усулларидан кенг фойдаланилди.

Адабиётларни тадқиқотчи-олимларнинг маҳалла институти фаолиятига бағишланган тадқиқотлари ташкил этади. Ушбу мавзу юзасидан айрим назарий ва амалий муаммолар тарихчи олимлар В.Ишқувватов, С.Жалилов, ҳуқуқшунослар Г.Маликова, Г.Исмоилова, Ш.Жалилов, З.Исломов, А.Саидов, К.Комилов, М.Сувонқулов, С.Султонов, А.Тўлаганов, Э.Халилов, З.Реймовалар томонидан, тарихчи олима Г.Умарова ҳамда сиёсатшунослар Р.Жумаев, М.Қирғизбоев, социолог А.Холбеков ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Бухоро ва Фарғона водийси вилоятларидаги қадимий маҳаллаларнинг тарихини тарихий–қиёсий таҳлил этиш асосида ва ривожланиш жараёнлари Шарқ халқлари маънавий меросининг дурдонаси “Авесто”да ҳам меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини жамиятда ижтимоий муҳофазалаш тўғрисидаги дастлабки ғоялар шакллана бошлаган бўлиб, табиий ва ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги тўғрисидаги ғоялар, шунингдек, жамият фаровонлигини сақлаб туриш ҳамда адолатли ва ҳалол меҳнат қилиш, фақир кишиларга ғамхўр бўлишга чақирилган [1. Б. 80].

Оқсоқоллар кенгашининг аъзолари тўғрисида қадимги диний китоб “Авесто”да қайд этиб ўтилганидек, Нмана – катта оила жамоаси, уруғ жамоаси – “вис”, қабила – “занту” ҳисобланган. Уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун “пати” сўзи ишлатилган. Нманapati – катта оила бошлиғи, виспати – уруғ, “дахиюпати” қабила бошлиғи маъноларини англатган. Оқсоқоллар кенгаши – “варзанопати”, “ханжамана”, халқ йиғилиши – “въяха” деб аталган. Агар ана шу тизимга асосланадиган бўлсак, қадимий Сополлитепа манзилгоҳида 8та нманадан ташкил топган ВИС эканлигини кўрамиз. Оқсоқоллар жамоаси – асосан қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий муаммоларни оқсоқоллар кенгаши орқали амалга оширганлигини кўриш мумкин [2.Б.23]. Ўзбек халқининг минг йиллик тарихи ва анъаналаридан ва ноёб қадриятларни қайтадан тиклаш билан бирга уни янада ривожлантириш асосида ҳаётга татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Маҳалла жуда қадим тарихга эга эканлиги унинг илдиэлари бронза даврига

оид топилган манбаларнинг гувоҳлик беришича, бронза даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оиланинг манзилгоҳи бўлганлиги бу оилаларни бирлаштирган нарса фақат уруғ жамоаси эмас, балки, ишлаб чиқариш манфаатлари туфайли. Манзилгоҳдаги 8 та оила таркибида патриархал тизим асосида қурилган юздан ортиқ жуфт оилалар уюшган. Ҳар бир жамоа оқсоқоллари Олий оқсоқоллар кенгашига бирлашганлар. Жамоа-қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча муаммолар оқсоқоллар кенгаши орқали амалга оширилган. Милоддан аввалги III асрдан милодий V асрнинг бошларигача қадимги Фарғона (Паркана) давлатида барча масалалар оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳал этилган бўлиб, улар уруш ҳолатини эълон қилиш, сулҳ тузиш, вазирлар таркибини ва солиқларни тайинлаш каби масалаларни ҳал этганлиги манбаларда таъкидлаб ўтилган [3.Б.28]. Бу эса оқсоқолларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этгани ва маҳаллий бошқарувнинг куйи тизими шаклланганлигини кўриш мумкин. Ушбу бошқарув асосида маҳалла институти минг йиллар давомида тарихан шаклланган ҳамда чуқур илдиз отган бўлиб, халқимизни бирлаштириб турадиган мустаҳкам масканга айлана бошлаган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, узок йиллик тарихга эга бўлган маҳалла одамларнинг касб-корлари, қадриятлари, маънавий-ахлоқий анъаналари, ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланиб келганлигини кўриб ўтиш мумкин. Тарихий манбаларда “маҳалла” арабча “маҳаллун” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “маҳаллун” сўзи “жой”, “худуд” маъносини англатади [4.Б.53].

**НАТИЖАЛАР.** Изланишлар натижасига кўра ўша даврдаги қабила, айрим этник гуруҳлар ўртасидаги алоқалар ўзгариб турганлигини ҳам кўриб ўтиш мумкин, шу боис Карим Шониёзов куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади. Жамиятдаги фуқаролар ўртасидаги қавм-қариндошлик гуруҳлари бир ёки бир неча овулни ташкил қилган бўлса-да, қабила-уруғчилик тартиби ҳамма вақт ҳам бир хилда ва бир тартибда сақланиб қолмаганлигини таъкидлаб ўтади. Тартиб вақти-вақти билан ўзгариб, айрим этник гуруҳлар қабила ва уруғ таркибидан чиқиб бошқа қабила ва уруғларга қўшилиб кетиш ҳоллари ҳам юз берган. Бу жараён, ўз навбатида, жамоа ҳаётида мавжуд ўзаро муносабатларни қавм-қариндошчилик асосида эмас, кўни-

кўшничлик муносабатлари асосида олиб борилишини таъкидлаш мумкин [5.Б.289].

Жамиятда инсонлар бир ҳудудда яшаш ва олий даражадаги бахтга эришишлари учун кўп нарсаларга эҳтиёж сезишларини ёзиб ўтган Абу Наср Форобий ўрта аср шароитида биринчилардан бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратишга қолмай, ушбу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат сингари масалалар қамраб олинган. Аллома ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида жамиятда инсонларнинг биргаликда яшаш ва олий даражадаги бахтга эришишлари учун бирлашиши ва кўп нарсаларга эҳтиёж сезишларига урғу бериб, инсон жамоасининг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун албатта инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзолари маҳаллада, яъни бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун ҳам инсон шахслари маълум бир ҳудудда кўпаядилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашадилар, натижада инсон жамоаси вужудга кела бошлайди”[6.Б.4].

**МУҲОКАМА.** Юқорида келтирилган фикрлардан ҳам шуни англаб олиш мумкинки, инсон табиатан доимий эҳтиёж билан дунёга келади, ҳеч қачон ўзи ёлғиз ҳолда яшай олмайди. Чунки у ҳаёти давомида яшашга, яшаганда ҳам яхши яшашга интилишда давом этади. Бу жараён эса ижтимоий бирлик жамиятга яъни маҳаллага суянади. Ана шу жамият асосини эса маҳалла ташкил этади. Шундай экан, маҳалла кишилар бирлиги сифатида ўзининг тарихий илдизига эга бўлган ҳолда, узоқ йиллар цивилизация бешиги сифатида яшаб келган, ҳозирда ҳам яшаб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида маҳаллага қуйидагича таъриф берганлигини айтиб ўтиш лозим.

“Шаҳарга тўққиз тарнов сув қиради. Ажабки, бирор ердан ташқарига чикмайди. Қалъанинг теварак-атрофи — хандақ. Унинг ташқариси — тош тўкилган қатта кўчадир. Қалъанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган. Бу маҳаллалар билан қалъа оралиғи хандақ ёқасидаги қатта кўчалар” бўлганлигини таъкидлаб ўтади [7. Б. 29].

Асрор Қаюмовнинг ҳам маҳалла тўғрисидаги фикрлари қуйидагича бўлиб, масалан, “Кўпгина аҳоли пунктларининг этник гуруҳлар номи билан аталишини кўришимиз мумкин. Масалан, Туркқишлоқ (Сурхондарё, Андижон), Қарулук ва ҳ. Ушбу ҳудудларда этник гуруҳлар аллақачон ўз номларини унутган бўлсалар-да, (айниқса Тошкент воҳаси, Фарғона водийсида) уларнинг жой номлари сақланиб қолганлиги бизга етиб келганлиги қачонлардир ушбу ҳудудларда мазкур этник гуруҳларнинг яшаганлигидан далолат беради” [8. Б. 73].

Ўзбек халқининг турмушига хос бўлган ва ажралмас қисмига айланган маҳалла атамаси асрлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган. Маҳалла бугунги кунгача ўзбек халқининг турмуш жараёнида муҳим ўрин эгаллаб келаётганлигидан ва ривожланишда давом этаётганидан далолат беради. Маҳаллада ўзаро қўни-қўшничликнинг яқин алоқалари қадимдан маҳаллада мавжуд бўлган. Маҳалла жамосидаги фуқаролараро муносабатлар табиийлиги, осойишталиги ва маромийлиги билан ажралиб келганлиги, “Жамоа”нинг бу жиҳатлари оилавий қариндошчилик муносабатларида, қўшничлик ва дўстлик урф-одат, анъана, дин ва ёзилмаган ахлоқ нормалари орқали амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотчи Р.А.Убайдуллаевнинг фикрича, “Жамият” турли муносабатларнинг турли кўринишида бўлиб, улар фуқаролар ўртасидаги шартномалар, савдо муносабатлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўла бошлаганлиги жамиятдаги алоқаларни фақатгина одамлар орасидаги муносабат эмас, балки турли гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда ҳам акс эта бошлаган [9.Б. 51-52].

Муаллиф Бекмуродовнинг фикрича, жамоавий турмуш тарзини мустаҳкамлашдан иборат ижтимоий ҳаракат эса қадим-қадимдан халқимиз вакиллариининг ҳудудий даражада бирлашиши натижасида қишлоқ-маҳалла тузилмалари муҳитида яшашларини ва шаҳар миқёсида эса, муайян касб, хунарга эга бўлган,

ёки илм-фан соҳаларидаги касб эгалари биргаликда тигиз, зич бўлиб, уларнинг бирлашиши натижасида жамоа тарзида фаолият юритиб келганлигини кўрсатади [10.Б.82].

Маҳалла тарихини ўрганиш жараёнида, тарихий манбаларни илмий таҳлил қилиш асосида аҳолининг асосий қисми, коммуникатив алоқаларни ташкил этганлигини айтиш мумкин. Бу жараён туркий халқлар муҳитида ўзбек халқининг шаклланиши VI-VIII асрларга келиб янада жадаллашганлигини кўрсатади. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудидаги географик-иқтисодий, маданий-сиёсий, ижтимоий-этник, коммуникатив алоқаларнинг тарихий замини вужудга келиши натижасида VII-VIII асрларга келиб, ўзбек халқининг этник бирлиги шаклланди. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларнинг кенгайиши натижасида ҳудудда юксак дехқончилик ва суғориш маданияти ва ҳунармандчилик юксала бошлаган. Турк ҳоконлиги даврига келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Термиз, Кўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Сайрам, Жиззах каби шаҳарларнинг дашт ҳудудларида аҳолининг этник, ҳудудий-географик жиҳатдан шаклланиши натижасида одамларнинг маҳалла тарзида келиб жойлашуви, аҳоли ўртасида ўз навбатида шаҳар ҳаётида маъмурий-худудий бирликнинг асосий ўрнига кўчиши уруғчилик кўринишининг нисбатан пасайишига олиб келганлигини кўрсатади [11. Б. 296-297].

Маҳалла нафақат ижтимоий тузилма, балки ўзига хос шаҳарча тарзида ҳам эътироф этилган, шунингдек, маъмурий-худудий тузилма ҳисобланган. Ўтмиш тарихимиздан маълумки, юртимизда маҳалланинг куртаклари намоён бўла бошлаганлиги ҳақида Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида таъкидлаб ўтганидек, VIII аср бошларига келиб “Бухорода... Жўбайи баққолга ёпишган девори, иккинчи тарафи шаҳристоннинг “Писта шиканон” – “Писта чақувчилар” бозорига пайваст девори, учинчи тарафи эса Нун дарвозасидан чиққанингда шаҳристоннинг ўртасига боргунинггача бўлган тўғри йўл эди. (Хулласи) Атторлар дарвозасидан то Нур дарвозасигача ҳаммаси бир маҳаллани ташкил этган шаҳристоннинг тўртдан бир қисми” эса, ушбу асарда қайд этиб ўтилган [12.Б.52].

Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) асарида

қуйидаги банд учрайди: “*Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб*”. Маҳалланинг “шаҳар ичидаги шаҳарча” деган мазмуни юқоридаги ташбехдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда “Ҳири” деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик “шаҳарча”лар - маҳаллалардан ташкил топган экан [13.Б.310]. Тарихан одамлар азал-азалдан жамоа-жамоа бўлиб яшашга интилиб келганлар. Турмуш қийинчиликларини енгиб, мушкул вазиятларда бир-бирларига кўмакдош ва ишончли ҳимоячи бўлишган. Тарихий жараёнларга асосланадиган бўлсак, ўша замонлардаёқ бугун биз таъриф бераётган фуқаролик жамияти ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўла бошлаганлигидан далолат беради. Шарқда бу жараён минг йиллик тарихга эга маҳалла кўринишида ривожланган бўлса, Ғарб давлатларида кишиларнинг ўз манфаат ва кизиқишларини жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан келиб чиқиб ифодалаш ва ҳимоялаш мақсадида ҳар хил уюшмалар сифатида партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар пайдо бўлишига асос солинди. Маҳалла ҳудудий ва маъмурий жиҳатдан шаҳарнинг алоҳида ажралиб турадиган қисми сифатида – даҳаларга бирлашган бўлиб даҳа шаҳарнинг ўн маҳалласини ўз ичига олган қисмини англатган. Вақтлар ўтиши билан маҳаллалар сони ортиб бориши натижасида, “даҳа” маъмурий бирлик сифатида истеъмолда қолаверган.

Маҳалла қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли сифатида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, шунингдек, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлса-да, у ҳамма фуқаролар учун бирдек қонуний кучга эга бўлган. Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, маҳалладаги фуқароларнинг турмуш тарзи, маданияти, қадрияти, анъаналари ва урф-одатлар умумийлиги билан жамоаларнинг бирлаша бошлаганини кўрсатади.

Қадимги анъаналардан бири сифатида қишлоқларда ўзаро ҳамкорлик асосида аёллар ва камбағалларга ёрдам бериш одатларини шу кунгача сақлаб қолган. Эҳтимол, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб патриархал жамоаларнинг қулаши жараёни тезлашиши натижасида экин майдонлари кичик

оилаларнинг мулкига айлана бошлади, яъни худудларга одамларнинг кўчиб келиши натижасида янги жамоаларнинг бирлашиши натижасида кўшнилар аниқ шакллана бошлади. Бу жараён — патриархал жамоадан кўшни жамоага ўша даврдаги Ягноб қишлоғида амалга оширилган совет ҳокимияти ўрнатилгунига қадар у ерда бир вақтнинг ўзиде кўшниччилик (қишлоқ) жамоаси ва биринчисининг бир қисми сифатида патриархал жамоа мавжуд эди. Худди шу коммунал ташкилот шакллари Шарқий Бухоро ва Помирнинг тоғли қишлоқларида ҳам мавжуд бўлиб, уларда патриархал жамоалар 50 кишигача бўлганлиги, патриархал ва қишлоқ анъаналари жамоаларининг ўзаро меҳнат фаолиятлари билан бир-бирига боғлиқлиги ўзига хос хусусиятлари билан маҳаллий шароитларга боғланиб қолганлиги қайд этилган [14.Б.113]. XVI—XVIII асрларда Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги қарвон йулининг яхши йўлга қўйилиши билан Бухоро шаҳрида алоҳида ҳинд масканлари, қарвонсаройлари қаторида каттагина ҳинд маҳаллари ҳам бунёд бўлган [15.Б.36]. Бу эса, маҳалла институти ҳақида гап кетар экан, илмий изланишлар, тарихий манбаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. XX асрнинг бошларидаёқ маҳаллаларнинг даҳа бошлиқлари бўлган мингбошилар сайлайдиган юзбоши (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган бўлса-да, юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалладаги барча жамоат ишлари билан биргаликда маросимларни бошқарганлар, шунингдек, фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасаларида маҳалла манфаатлари ҳимоя қилиб келинган, бу каби вазифаларни оқсоқоллар жамоатчилиги асосида бошқариб келган [16.Б.297].

Агарда маҳалла тарихини кенгрок таҳлил қиладиган бўлсак, қадимдан шаклланган ўзбек халқига хос кўни-қўшниччилик муносабатлари асосида шаҳар ва қишлоқлардаги ҳаёт тарзи бир хил вазифага эга бўлганлигидан далолат беради. Кўни-қўшниччилик муносабатлари, маҳалла негизи асосида шаклланганлиги ҳамда ўзаро этник муносабатлар ижтимоий-худудий, шунингдек, оилавий муносабатлар асосида яқин қариндошлик алоқалари шаклланганлигини кўрсатади. Ўзбек “маҳалла” термини моҳиятан қишлоқ ва шаҳар аҳолисига нисбатан ҳам қўлланилганлиги эътиборлидир.

Агар қадимги Фарғона тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қадимий ов ва йиғиш босқичи номаълум бўлса-да фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ҳаётининг қадимий номлари аҳоли пунктлари билан белгиланган биринчи белгилари аниқроқ кўринади. Улар сўнгги неолит даврига ёки илк бронза даврига, яъни милоддан аввалги VI-IV минг йилликларга мансуб бўлиб, археолог Б.А.Латинин томонидан 1928-1930 йилларда Ҳаққулобод шимолидаги замонавий Андижон ва Наманган вилоятлари чегарасидаги Эйлатан посёлкаси ва Норин совхози худудида топилган казишмалари туфайли, ўша даврда лой ғиштли уйларда одамлар яшаганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди ҳамда улар дон экинларини етиштирган ва боғдорчилик билан таниш бўлган. Фарғонанинг ушбу қадимги аҳолиси маданиятининг нисбий ривожланганлигини кўрсатади. Улар қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганлигидан далолат беради [17.Б.5].

Т.С.Саидбаевнинг таъкидлашича, Марказий Осиё шаҳарларининг ҳар бири турар жой бинолари — маҳалла ёки гузарларга бўлинган шаҳарнинг асосий таркибий ҳужайраларидир. Чорак аҳолиси (ўртача 30-60 уй), қариндошлик даражасидан қатъи назар, бутун ҳаёти давомида бир хил жамоани шакллантирдилар. Маҳаллалар худудидаги масжидлар маҳалла ҳаётининг маркази бўлиб хизмат қилган, чунки чорак, қоида тариқасида, черковга тўғри келган (қатта кварталларда иккита масжид бўлиши мумкин). Жума ва байрам маросимлари ўтказиладиган собор масжидлари (Жомий) ҳам бор эди. Масалан, 179 оила яшаган Тошкент яқинидаги Чиноз қишлоғида тўртта масжид ва битта собор масжиди бўлган. Дўконлари ва устахоналари яқин жойда жойлашган савдогарлар ва хунармандлар, шунингдек, хизмат бошлангунга қадар бозорда бўлган [18.Б.115]. Ўзбек халқининг минг йиллик тарихидан келиб чиқиб, ноёб анъаналар ва кадриятларни қайтадан жорий этиш билан бирга уни янада ривожлантириш лозимлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Маҳалла жуда қадим тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари бронза даврига бориб тақалади.

Н.Абдулаҳатов, Ў.Эшонбобоевларнинг Марғилон маҳаллалари тарихидан (Машад даҳаси, 1-китоб) китобида Фарғонадаги қадимги шаҳарлардаги маҳаллалар тўғрисида қимматли маълумотлар учрайди. Зеро, Марказий Осиёнинг қадимги бой тарихга эга бўлган қадимий

шаҳарларидан бири Марғилондир, бу шаҳар Буюк Ипак йўлининг ҳам қўналғасида жойлашган бўлиб, қадимдан ижтимоий-иқтисодий савдо ва маданий алоқаларнинг уйғунлашувида муҳим роль ўйнаган. Сомонийлар, Қорахонийлар, Амир Темур ва темурийлар даврида, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Кўкон хонлиги хукмронлиги даврида ҳам Марғилон шаҳри Фарғона водийсига кириб келган ёвларга қалқон сифатидаги стратегик ҳудуд ҳисобланган. Шунинг учун бу шаҳар аҳолисининг урф-одати ва анъаналари, этник тузилиши, ўзига хос хусусиятларини учратамиз. Бинобарин, Марғилон шаҳрини Фарғона водийси халқларининг энг қадимги манзилгоҳларидан бири деб аташ мумкин.

XI асрдан Марғилон шаҳри хунармандчилик маркази сифатида янада ривожланганлиги Фарғонанинг иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Марғилон ўрта асрларда катта шаҳарлар тизимига кирган. Бу шаҳарнинг яна бир хусусияти узоқ вақт бир жойда муқим ўрнашиб, ён-атроф ҳудудларга деярли кенгаймаганидир. Бунинг оқибатида шаҳар ҳудуди чегараланган ҳолда аҳоли ўта зич жойлашганлигини кўрсатади, XVII-XIX асрлардаёқ мавжуд бўлган ёдгорликлар бузилиб кетган. Шунинг учун бу шаҳарларда Марказий Осиёдаги қадимги Термиз, Самарқанд (Афросиёб), Хива, Бухородаги каби маданий қатламлар яхши сақланмаган. Шунингдек, Марғилон ўз аҳамияти жиҳатдан бошқа шаҳарлардан кам бўлмаган мақомга эга бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Марғилон маҳаллалари тўғрисидаги дастлабки маълумотлардан бири машҳур биограф, тарихчи ва сайёҳ Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1116 йй.) “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар ҳақида китоб”) номли асарида келтириб ўтилган. Хусусан, Самъоний Марғилон шаҳри Фарғонанинг энг машҳур шаҳарларидан эканлигини айтиб, унинг бу шаҳарнинг “Қандоб” номли маҳалласини эслатиб ўтади: “Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад ибн Абулҳасан ал-Қандобий (Ғандобий) ал-Марғинонийдир. Марғилондаги Қандоб

маҳалласидан бўлиб, у “ал-Фарғоний” номи билан танилган. У ҳижрий 485 (1093) йилда таваллуд топганлиги тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган” [19].

Ўзбекистонда бугунги кунда шаҳарча, поселка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олган. Шунингдек, маҳалла бугунги кунда мустақил институт сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳалланинг қадимги номлари ва халқ олдидagi обрў-эътиборининг қайтадан тиклана боришига кенг имкониятлар яратилди. Жамиятда ўзини ўзи бошқарув тизимининг муҳим органлари бўлган маҳалла – бу ҳудудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби ҳар хил ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган ижтимоий тизимдир. У мана шу ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларда ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатлар намоён бўлади. Бугунги кундаги ўзини ўзи бошқарув тизимларининг тараққий этиб бориши демократик жамият тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир [20.Б.161-162].

**ХУЛОСА** ўрнида, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарга асосланган ҳолда тизимли равишда ривожлантириб боришда аввало инсон камолотининг бешиги бўлган маҳалла институтларининг бугунги кундаги ижтимоий ролини янада ошириш, айниқса, қадимдан шаклланган халқ менталитети ва дунёқарашини янги жамиятга мослаштиришда фуқаролик жамиятига хос мезонлар ва кадриятларни фуқаролар онгига сингдириш каби вазифалар соҳадаги энг сермеҳнат ва машаққатли жараёнлар сирасига киради. Ўтиш даврида ўзини-ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган жараёнлар ҳам миллий ўзликни англаш, илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзига хос йўللарни кашф этиш каби қатор изланишлар олиб борилмоқда. Бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида амалга оширган чоратadbирлари туфайли ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла институтлари

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг миллий асоси бўлиб қолаверади.

Маҳалла тарихан таълим ва тарбия масканига айланиб келаётган қадимий тарихга эга эканлиги боис, мустақиллик йилларидан бошлаб маҳалла тизимида ислохотлар жадаллик билан амалга оширила бошланди.

Бугунги кунда маҳалла тизимига алоқадор бўлган бошқарув ваколатларини босқичма-босқич ўтказиш энг аввало, уларнинг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўрнини янада мустақкамлашни назарда тутди. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинларига етарлича ҳуқуқ берилмас экан, улар ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш каби имкониятга тўла эга бўла олмайди. Шунингдек, маҳаллаларнинг аҳоли ва давлат олдидаги масъулиятини сезиларли даражада ошириш учун аввало давлатимиз томонидан чиқарилган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳияти кенг идрок этилиши ҳамда ҳаётга татбиқ қилиниши зарур. Давлат раҳбари томонидан кенг кўламли ислохотлар, ўзгаришлар жараёнида ижтимоий муаммоларни самарали тарзда бартараф этишга қодир бўлган кучли давлат тузилмаларини яратишга ва уларнинг ваколат соҳаларини аниқлаб олишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бунда ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлган маҳалланинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бугунги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўзлимизни йўқотмаслик ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш орқали ёшларимизнинг ўз юртига бўлган меҳрини оширишда, аҳолини бирлаштиришда, маҳалланинг тарбия маскани сифатидаги ўрни муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Карим Т. Муқаддас Авесто изидан. – Тошкент: Чўлпон, 2000. –80 Б;
2. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларидан. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. Маҳмудбеков Ш. Маҳалла мозийдан келган // Фан ва турмуш. 2001. -№1. – Б.28.
4. Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан нашриёти, 1966.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Sharq, 2001.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2012.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
8. Қаюмов А. XX аср бошларида Ўзбекистон худудида этник ҳолат. –Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015.
9. Убайдуллаева Р. А., Каримова В. Социология. – Тошкент, 2002.
10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент: Info Capital Group нашриёти, 2011.
11. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси этник тарихига холис назар. (Қайта ишланган учинчи нашр). – Тошкент: Extremum Press, 2012.
12. Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966.
13. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991.
14. Поляков С.П. Историческая этнография народов Средней Азии и Казахстана. – Москва, 1980.
15. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликкача. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
16. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Илмий-амалий, услубий кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2012.
17. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). –Ташкент: Издательство Академии Наук УзССР, 1951.
18. Саидбаев Т. С. Ислам и общество. – Москва: Издательство «Наука», 1984.
19. Абдулахатов Н., Эшонбобоев Ў. Марғилон маҳаллалари тарихидан (Машад даҳаси 1-китоб). – Андижон: Andijon nashriyot-matbaa МЧЖ, 2012.
20. Убайдуллаева Р.А., Каримова В. Социология. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
21. Kurbanbayeva, M. (2024). Fuqarolik jamiyati g'oyalarining milliy davlatchiligimizdagi o'rni. Tamaddun nuri jurnali, 7(58), 247-250.
22. Kurbanbayeva, M. (2024). Fuqarolar vatanparvarligi – fuqarolik jamiyati institutlari shakllanishida muhim omil. Tamaddun nuri jurnali, 9 (60), 23-25.